

тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоилаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиниши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоилаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудли: билан бир-бирини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимида ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартда автоматик релишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг таъминоти минимал ҳажми _____ миң куб метрига, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

- I чорак _____ минг куб.м, январь _____ февраль _____ март _____
- II чорак _____ минг куб.м, апрель _____ май _____ июнь _____
- III чорак _____ минг куб.м, июль _____ август _____ сентябрь _____
- IV чорак _____ минг куб.м, октябрь _____ ноябрь _____ декабрь _____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманома ни тақдим этмаса, Етказиб берувчи томондан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиш мумкин. Истеъмолчи томонидан навабатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бўялай ҳолат ортқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик метёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари: _____

Истеъмолчи манзили ва телефон рақаму:

Куратор асар Ешмиқов - 145

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари булдан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максалида Етказиб берувчи Истеъмолчининг оғохланттирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларнинг модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишिलाди.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шаронгдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштиракида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритаъбиий ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз арашатиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланамаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёсов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Узстандарт” агентлигидан қиёсовдан ўтказилиб, сертификат олинган кунгача ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёсов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулкни ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси таъволи тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишिलाди. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлайтиш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлайтиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлайтиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриғи/калибрилаш, тораёнли мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қелишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштиракида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсовлаш кўриғи/калибрилаш, тораёнлиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида қелишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштиракида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бўзилганда - охириги-қўрқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўл бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини буздиغان газ қурурларида ёки ГТПларида асоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда - ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактининг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинмади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса - газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказгалик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз хонага бўлганда эса - экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўл бўлмаган даврда амалга оширилади. (0,2 Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қаидада 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаидада 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишига ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаидада 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнанинг 10 санасига қалар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилгандан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташиқоти билан олинган келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортқча олинган табиий газ кийматиға нисбаган 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созилишни мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қисқа тугашув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбооб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижада шартномадаги ҳажмлардан ортқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вақилас томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичлари ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманин 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчиға Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчиға тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманин мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида булган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчиға жўнатади.

Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилады.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оий тутагандан кейин 10-кунгача бошқа томонға бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманин бир нусхасини Етказиб берувчи вақлиға тақдим қилады. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишимовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалға оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилады. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучға кирганидан сўнг амалға оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБЕЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманин 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларға йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вақиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманин 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномаға мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманин 5.2-бандда кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгуниға қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вақилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишға йўл қўйилмаганда;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;
- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
- овақат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мудат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартриш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улашиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзасига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонни архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида аманга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга старли микдорда олдидан тўловлар аманга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтегазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлаганига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар аманга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига қонқонуний улашиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тароҳ қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жаъобгарликни ўз зиммасига олмайд.

6.2. Тармоққа қайта улашишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорига ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустафо.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйдагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун лаврий кўздан кечиритиш;
- табиий газ етказиб бериш кискартган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қаида уч йил мобайнида ўзида сақлашни таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойлиқларининг талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органиларини хабардор қилиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларида кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига мудатга ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифицикланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймастик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтегазспекция” ҳолимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймастик ва ўрнатилган таъғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қўлай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПХНАТ-АСКУ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатил.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида рўя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарини қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ хақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйдагиларни қафолатлайди ва қуйдаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар ҳойдага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишлисудга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек энгиз бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмайд қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартриш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳужумига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай эҳтиётсизлик билан бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан оғтиқ кун мобайнида сасланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрдан кўрача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "_____" йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июлдаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хўзурдаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

